

Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ

09:20 / 30.05.2018 4093

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган эдик. Биз билан Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо ва бир неча саҳобалар ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимиздан турдилар-да, ҳаяллаб кетдилар. Бир-биримиздан жудо бўлиб қолармикинмиз, деб хавф қилдик. Қўрқиб ўрнимиздан турдик. Мен биринчи бўлиб қўрқдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ахтариб чиқдим. Бора-бора ансорийлардан бирининг (боғи) деворига етдим... (Ҳадисни узун ҳолатида баён қилиб, қолганини қуйидагича давом эттирдилар.) ...Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Боргин-да, мана бу деворнинг орқасида чин қалбидан ишонч ила «Ла илаҳа иллаллоҳ», яъни «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ», деб айтган кишига йўлиқсанг, унга жаннат бўлишини хурсандлик билан хабарини бер»,** дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.